



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 18 июль, № 146 (7376)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

«Навоий ИЭС»: ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ



Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан энергетика тармоқларини замонавий тежамкор технологияларни жорий этган ҳолда модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса республика-

миз электр энергияси таъминотида яхлит занжир барқарорлигини, иқтисодиёт субъектларининг бир маромда ишлашини таъминлаётир. Мазкур занжирнинг муҳим ҳалқаларидан бири «Навоий иссиқлик электр станцияси»

АЖДа амалга оширилган дастлабки инвестициявий лойиҳа натижасида мамлакатимиз энергетика тармоғида илк замонавий технологияларга асосланган бошқарув тизимига ўтилганида намоён бўлмоқда.



2030 йилга бориб мамлакатимизда электр энергиясига эҳтиёж қарийб икки баробар ортиб, йиллик истеъмол ҳажми 100 миллиард киловатт-соатга етиши кутилмоқда. Табиийки, бу юртимиз энергетика тизимида туб ислохотларни амалга ошириш, электр энергияси ишлаб чиқариш тармоқларида энг илғор ва тежамкор, экологик меъёрларга мос технологияларни жорий қилиш, кадрлар салоҳиятини юксалтиришни талаб этади. Зеро, ҳамма турдаги истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини имкон қадар тўла қондириш тараққиётнинг муҳим таянчи ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигининг асосий шартидир.

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 17 июль кунги Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Афғонистон ҳукуматлараро комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, энергетика, нефть-газ, божхона, транспорт ва транспорт коммуникациялари, темир йўл, авиаташув, машина-созлик, электр техникаси, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, озик-овқат саноати, фармацевтика соҳаларида фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, компаниялар, ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Комиссия ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси, «Ўзгиротехсаноат-холдинг» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Нодир Отажонов ва Афғонистон Ислам Республикаси Президентининг катта маслаҳатчиси, молия вазири Мухаммад Хумоюн Қаюмий мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, транспорт ва энергетика, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон бугунги кунда Афғонистондаги қурилиш, энергетика, тоғ-кон саноати ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. Мамлакатимизнинг ёрдами билан Афғонистонда кўприклар, юқори вольтли электр линиялари, оптик-тоғли кабелъ линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилди. Хайратондан Мозори-Шарифга темир йўл линияси қурилди. «Сурхон — Пули — Хумри» электр узатиш линиясининг қурилиши бўйича келишувлар икки мамлакат ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очди.

Навбатдаги қўшма лойиҳа Мозори-Шариф — Шибиргон — Маймана — Хирот темир йўлини биргаликда барпо этишдир.

Мамлакатимиздан Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавотлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилинмоқда. Ўзбекистонда афғонистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қатор корхоналар

фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда иш юритмоқда.

Афғонистон Ислам Республикаси Президентининг катта маслаҳатчиси, комиссия ҳамраиси Мухаммад Хумоюн Қаюмий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фойдаланилмаган имкониятларни кўп эканини таъкидлади. Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун амалий чора-тадбирлар қўрилиб, темир йўл, транзит ва бошқа тўловлар тариф нархларининг туширилаётгани ўзaro товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли ошириш учун янада қулай шароит яратяётгани қайд этилди.

— Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноатни модернизациялашга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар эътиборга молик, — деди Мухаммад Хумоюн Қаюмий. — Комиссия мажлиси икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият бўлди. Ўзбекистон билан савдо, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникациялар каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Афғонистонга яқинда амалга оширган ташрифи чоғида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, Афғонистонда етиштирилаётган пахта хом ашёсини сертификатлаш, ўсимликларни химоя қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, пестицидларни етказиб бериш, қишлоқ хўжалигини механизациялашга ёрдам кўрсатиш ва тажриба алмашишларни ташкил этишга доир келишувларга эришилган эди.



Депутат фикри

Солиқ сиёсатига оид навбатдаги ўзгаришлар халқимизга нима беради?

Бундан йигирма кун муқаддам Президентимизнинг «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда 2019 йил 1 августдан бошлаб, ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши қайд этилган.

Табиий савол туғилади: хўш, бунга қандай зарурат бор эди? Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер ва бошқа корхоналар қўшилган қиймат солиғига ўтказилиши туфайли нархлар ошиб кетмайдими? Бу юртдошларимизга қийинчиликлар туғдирмайдими?

Албатта, шу каби саволлар аҳолимиз, жумладан, сайловчиларимиз томонидан ҳам кўп берилмоқда.

Шуни инобатга олиб, мавзуга чуқурроқ ёндашиб, айрим саволларга жавоб излашга ҳаракат қилдик.



Сенатор минбари

Энди олий ва ўрта махсус таълим сифати яхшиланади

Инсон илм зиёси билан ўз йўлини ёритмас экан, зулмат қуршоғида қолиб кетиши мумкин. Қалб эса илму маърифатдан қувватланади. Боз устига, қаердаки илм ва маърифат кучли бўлса, ўша ерда бахт тўқис бўлади, одамлар шодмонликда умр кечиради...

Бу ҳақда бежиз гап очмадик. Ана шу ҳаётини ҳақиқатни теран англаган Президентимиз сўнгги вақтларда асосий эътиборни юртимизда ривожланган ва замонавий таълим тизимини шакллантиришга қаратмоқда. Хусусан, қатор Фармон ҳамда қарорлар қабул қилинди, тегишли қонунлар ҳаётга изчил татбиқ этиляпти. Буларнинг ихроси доирасида қисқа вақт ичида ҳудудларда янги, жумладан, хорижий таълим муассасалари

ри очилиб, талаб жуда юқори бўлган мутахассислар тайёрлаш учун шарт-шароит яратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ўтган ҳафтада қабул қилинган олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган Фармон ва қарор соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.



«Обод марказ» дастури:

ОДАМЛАРГА БАХТ УЛАШГАН ЭЗГУЛИК УНИНГ САМАРАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҲАМ БЎЙ КЎРСАТДИ.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 29 февраль — 1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар асосида вилоят бўйича «Обод марказ» дастури ишлаб чиқилган ва Наманган тумани маркази — Тошбулоқ шаҳарчаси шу дастурга киритилган эди. Ўтган даврда бу ерда амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари шарофати билан Тошбулоқ ҳам ҳар жиҳатдан тўқис, аҳоли учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган ҳудудга айланди.



Президент ташрифидан сўнг

Туман марказини кўркам шаҳарга айлантириш бўйича тузилган режага асосан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий йўналишлардаги 209 та объектда жами қиймати 102 миллиард сўмлик қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари бажарилди. Масалан, Маданият саройи, Давлат хизматлари маркази, «Бахт уйи», Халқ қабулхонаси, Давлат солиқ инспекцияси, Санитария-эпидемиология назорати

маркази, Фавкулдда вазиятлар ва бошқа бир қатор муассасаларнинг янгиланган бинолари, кўп қаватли турар-жойлар шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди, десак, муболаға эмас.

Марказдан ўтган автомобиль йўлининг равонлиги, унинг икки тарафи янада обод қилинганлигидан, айниқса, аҳоли хурсанд. Хусусан, Тошбулоқ — Шаҳанд йўлининг 5 километр қисми янгиланганидан



Жўрабек МУРОДОВ, Тожикистон халқ артисти:

«Ўзбекистон турли халқлар санъати муштараклигига асос солмоқда»



Эксклюзив интервью

— Мен туғилиб ўсган тоғлар бағридаги қишлоқ номи Кухруд деб аталади. Кух — тоғ, руд — ариқ. Ўзбек тилида кенг қўлланадиган «куҳлик» сўзини эсласангиз, бу «тоғлик қиз» дегани эканини унутманг. Болалик чоғимизда қишлоғимиз ўртасидан шарқираб оқадиган сойнинг бир томонида йигитлар, иккинчи томонида қизлар туриб қўшиқлар куйлашарди. Уларнинг овозини тошдан-тошга урилиб шарқираб оқётган



Хизмат

Сугурта бозоримиз талаб даражасидами?

Мамлакат иқтисодиёти барқарорлиги, аҳоли турмуш даражаси яхшилланишида сугурта хизматларининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, мазкур соҳа қанчалик ривожланса, иқтисодиёт тармоқлари турли молиявий хатарлардан шунчалик ҳимояланади. Аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайди.

Шундай экан, сугурта бозоримиз талаб даражасидами? Хизматлар барча жабҳани қамраб оляптими? Ушбу саволларга яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан сугурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда батафсил жавоб берилди.

Айтиш жоизки, йиғилиш танқидий-тахлилий руҳда ўтгани ҳали тармоқда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўпчилигини билдиради. Бунга мисол тариқасида айтилган биригина ушбу рақамни келтириш kifоя. Яъни айти пайтда мамлака-

тимиз ялпи ички маҳсулотидан ушбу соҳанинг улushi бор-йўғи 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Жаҳолонки, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11, Германияда 6, Россияда 1,5 фоизга етган.

Ҳозирги кунда республика-мизда қарийб 30 та су-



гурта компанияси фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан 1 триллион 635,2 миллиард сўмлик сугурта муқофотлари, 460,8 миллиард сўмлик сугурта тўловлари амалга оширилган.



Солиқ сиёсатига оид навбатдаги ўзгаришлар халқимизга нима беради?

◀1 Содда қилиб айтадиган бўлсак, аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун ишлатиладиган маҳсулотлар нархи кескин ошиб кетмайди.

Қабул қилинаётган қонунлар, Фармон ва қарорлардан тадбиркорлар фақат ўз манфаатларини кўзлабдиқиб, аввало, халқимиз турмуш шароитини яхшилашни ўйлаб фойдалансалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода, фермер хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулот реализациясида Фармон талабларини тўғри бажариш, энг муҳими, бозорда айрим тадбиркорлар томонидан маҳсулотларнинг нархлари сабаб-сиз оширилишига йўл қўймаслик мақсадида кенг жамоатчилик ва тегишли назорат органлари томонидан ўрганиш ишлари олиб борилади.

Шундай экан, нарх-наво борасида аҳолининг ҳадиғи нимадан иборат?

Келинг, буни, бир маҳсулот — чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиғи томонидан гўшт етиштириш мисолида ҳисоб-китоб қилиб кўрайлик. Дейлик, 1 килограмм гўшт

маҳсулотини етиштириш тан-нархи ўртача 38075 сўм. Шундан меҳнат ҳақиға 2300, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари-ға 275, минерал ўғитлар учун 31000, суғориш харажатлари, электр энергиясига 200 сўм, бошқа харажатларға 4500 сўм кетади. Сотиш нархи эса 45000 сўм, яъни 6925 сўм соф фойдаға эришилмоқда. Агар рентабеллик 18,2 фоизни ташкил этган бўлса, Фармон қабул қилинганидан кейин ушбу фермер хўжалиғи учун 1 килограмм гўшт таннарих ўртача 32113 сўмға тушади. Яъни нарх 5963 сўмға камаяди. Негаки, айрим харажатлар ҚҚС билан амалға оширилган, меҳнат ҳақлари 2300 (ўзгаришсиз), ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари-ға 229 (-46 сўм), минерал ўғитлар учун 25833 (-5167 сўм), суғориш харажатлари ва электр энергиясига 167 сўм (-33 сўм), бошқа харажатларға 3750 сўм (-750 сўм) кетади. Сотиш нархи 48375 сўм, шундан 8062 сўми ҚҚС ҳисобланади.

Энди шу ҳисобланган суммадан ҚҚС билан қилинган харажатларни чегириб ташлаш

керак. Яъни 5996 сўм чегирилади. Қолган 2067 сўм бюджетға солиқ сифатида тўланади. Соф фойда 8200 сўмни ва рентабеллик 25,5 фоизни ташкил этмоқда.

Бу маҳсулот ишлаб чиқарган ташкилот ҳеч қандай зарар кўрмайди дегани. Лекин аҳолиға сотилаётган гўшт нархи олдин 33750 сўмни ташкил этган бўлса, бу нарх 7,5 фоиз, яъни 45000 — 48375 сўмға ошиши мумкин.

Куни кеча Президентимиз томонидан жорий йилнинг 1 августидан эътиборан республика бўйича энг кам иш ҳақи 10 фоиз оширилгани эълон қилинди. Демак, бу Фармон нархлар ошишининг аҳоли иқтисодиға таъсирини сезиларли даражада камайтиришни таъминлайди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг солиқ соҳасини ислоҳ қилишға қаратилган Фармони аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш ва мамлакатимиз тараққиётини изчил таъминлашға хизмат қилади.

Мақсуд ҚУРБОНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Энди олий ва ўрта махсус таълим сифати яхшиланади

◀1 Мазкур норматив ҳужжатларда кўзда тутилган ўқувор йўналишлар, олий ўқув юр-ларига берилаётган ҳуқуқ ва эркинликлар соҳани модернизациялаш ҳамда либераллаштириш борасидаги хорижий тажрибалардан фойдаланиш имконини беради.

Боиси сўнгги йилларда етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг мамлакатимизда филиаллари очилиши баробарида, кадрлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳудудларда яна кўплаб олий ўқув юрларининг фаолияти йўлга қўйилиши соҳада бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда.

Қарор билан олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизими-ға ўтаётганлиғи бир томондан олий ўқув юрлари молиявий мустақиллиғи таъминланишиға хизмат қилса, бошқа томондан манфаатдор идоралар, айниқса, маҳаллий ҳокимият органлари билан кадрлар тайёрлаш тизимида ҳамкорлиқни кучайтиришда қўл келади. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасаларига юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, ходимларға устама ва мод-

дий рағбатлантириш микдорларини мустақил белгилаш, иқтидорли ҳамда ижтимоий ҳимояға муҳтож талабаларни моддий қўллаб-қуватлашда муҳим омил бўлади. Янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш, олий таълим муассасасига тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш каби ҳуқуқларнинг берилиши унинг ривожланишида жуда муҳим.

Фармонда кўзда тутилган яна бир жиҳат — бугунги кунда олий таълим тизимида малакали, замонавий ва мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларға эға, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда чет тилларини пухта ўзлаштирган, замонавий педагогик технологиялар билан яхши таниш профессор-ўқитувчилар фаолият олиб боришлари талаб этилади. Зеро, шунда соҳада “олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш” интеграцияси таъминланади ҳамда илмий ишланмаларни тижоратлаштиришға эришилади.

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Термиз давлат университети ректори.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

◀1 Мажлисида олий даражадаги учрашувлар, шунингдек, турли макомдаги делегацияларнинг ўзаро таширфлари чоғида эришилган келишувларни самарали рўёбға чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини янада ошириш, кенг қўлмали савдо-иқтисодий, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистон делегацияси Ўзбекистондаги янги иқтисодий сиёсат самараси, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш учун яратилаётган шароит, юртимизнинг экспорт салоҳияти, индустриал зоналардаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишға солиш лозимлиғи таъкидланди.

Мажлисида ўзаро савдо ҳажминини янада ошириш масалалари ҳақида сўз юритилди. Энергетика, енгил саноат, қишлоқ хўжалиғи, тоғ-кон саноати, металлургия, машинасозлик, таълим ва бошқа қатор соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалға ошириш, Афғонистонға электр, маший, қишлоқ хўжалиғи техникаси ва ускуналарини экспорт қилиш, биргаликда

ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалға оширишдаги истиқболли вазифалар кўриб чиқилди.

Афғонистон делегациясининг мамлакатимизға таширфи доирасида Ўзбекистон — Афғонистон давлат ва хусусий секторлари вакиллари мулоқотининг иккинчи давраси, қўшма бизнес форуми ва иқтисослаштирилган кўргазма ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда Афғонистон расмий ва бизнес доираларининг юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Хусусан, “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуасида ташкил этилган кўргазма саноатнинг турли тармоқларида, шунингдек, тиббиёт, фармацевтика соҳаларида ўзаро манфаатли келишувларға эришиш имконини берди. У мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган юқори сифатли маҳсулотларни Афғонистон бозорига етказиб бериш, ҳамкор мамлакат иқтисодиётини тиклашға қаратилган қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш учун ҳам қўлай платформа вазифасини ўтади.

Афғонистон делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, турли вазирлик ва идораларда ташкил этилган музокараларда қатнашди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Инвестиция

Араблар учун миллий либослар Андижонда тайёрланади

Андижон вилоятиға хорижлик инвесторлар оқими кўпаймоқда. Ана шулардан бири — Саудия Арабистонининг Мадина шаҳридан таширф буорган Абдулбосит Абдулҳодий тикувчилик йўналиши бўйича истиқболли лойиҳаға эға.

— Арабларнинг миллий кийимлари Хитой давлатида ишлаб чиқарилади, — дейди инвестор. — Лекин Ўзбекистонда етиштирилган пахта ҳам ашёси сифатлилиғи билан ажралиб туради. Шу сабабли Кўргонтепа туманидаги “Кўргон грук” МЧЖ билан ҳамкорликда араблар миллий кийимларини тайёрлашни режалаштирдик. Бунинг учун Андижонда барча шароит мавжуд.

Лойиҳа амалға оширилганч, дастлаб 100 та иш ўрни яратилади. Бу эса “Кўргон грук”нинг ишлаб чиқариш сурьати уч баробар ортишиға сабаб бўлади. Ҳамкорликдаги режалар ижобати натижасида кўргонтепаллик чеварлар томонидан тикилган маҳсулотлар “Ал Андижоний” бренди остида дунё бозорига кириб боради.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Камчиликларни яширишдан фойда йўқ

Тошкент тиббиёт академияси мутасаддилари танқиддан тўғри хулоса чиқаришди.

Хабарингиз бор, газетамизда олий таълим муассасалари фаолияти, жумладан, эришилаётган ютуқлар қаторида, айрим муаммо ва камчиликлар билан боглиқ танқидий-таҳлилий мақолалар эълон қилиб бориляпти. Уларда кўтарилган огриқли масалаларнинг олдини олиш бўйича мутасадди ташкилотлар томонидан тахририятимизға жавоб хатлари келмоқда.

Акс садо

Жумладан, нашримизнинг шу йил 20 июнь сониде Тошкент тиббиёт академияси фаолиятиға доир “Таълим тараққиёти ва сифатиға тушов бўлаётган муаммолар” сарлавҳали мақола чоп қилинганидан сўнг, унда қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ушбу муассаса раҳбарияти томонидан бир қатор ижобий ишлар амалға оширилган.

Аввало, мақола академиянинг кенгайтирилган Ректорат кенгаши ва Илмий кенгаши жамоаси томонидан муҳокама этилиб, унда келтирилган муаммоларни бартараф қилиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Маълумотда қайд этили-



шича, Ахборот-ресурс маркази фаолиятини янада такомиллаштириш, китобларни сифатли ҳолатда сақлаш учун қўшимча 5 та хона ажратилган. Шу билан бирға, кутубхонани янги китоблар билан бойитиш, уларни электрон қайд этиб бориш ҳамда инвентаризациядан

ўтказиш бўйича дастурий таъминот ва зарур ускуналар ўрнатиш, бадий адабиётлар бўлимини ҳамда компьютер хонасини ташкил этиш устида амалий ишларға киришилган. Ушбу тадбирларни шу йилнинг 15 августига қадар якунлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари,

рилган бўлиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда таълим муассасасининг асосий ўқув биноси капитал таъмирланмоқда. Объект тўлиқ фойдаланишға топширилганч, 120 ўринли тест маркази ишға туширилиши ва зарур компьютерлар, шкаф, видеоқузатув мосламалари билан жиҳозланиши мўлжалланган. Шунингдек, “Тошкент тиббиёт академиясининг ички тартиб-қоидалари”ға риоя қилмаган ўқитувчиға нисбатан чора кўрилган.

Умуман, академия масъуллари томонидан ишлаб чиқилган “Йул ҳаритаси” асосида газета-мизда кўтарилган муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Бу эса келгусида талабаларнинг пухта билим олиши ва ўз соҳаси бўйича етук кадрлар бўлиб етишишларида катта туртки бериши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

«Навоий ИЭС»:

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ

◀1 Мўҳими, аънавий технологияда 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 400 ва ундан ортиқ грамм шартли ёқилғи сарфланган бўлса, замонавий буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 234-235 граммни ташкил этади, холос. Натижада йилға миллиардлаб кубометр табиий газ иқтисод қилинади.

Айни кунларда станцияда “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ҳамда Япониянинг “Mitsubishi Corporation and MHP” компаниялари консорциуми томонидан имзоланган, контракт қиймати 432 миллион АҚШ долларига тенг, қуввати 45 мегаватт бўлган “калитини тақдим қилиш” асосида иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш ишлари якуниға етказилляпти. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 мартда Навоий вилоятиға таширфи чоғида ушбу иншоот пойдевориға тамал тоши қўйилгани эслатиб ўтиш жоиз.

Биринчи буғ-газ қурилмасидан фарқли ҳолда, иккинчи қурилма-мизда 100 гигакалория (Гкал) саноат буғи ва 100 Гкал иссиқ сув кўринишидаги, жами 200 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилган, — дейди “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти бош директори Қахрамон Ғаниев. — Электр энергияси ишлаб чиқаришнинг аънавий технологияларида фойдали иш кўрсаткичи одатда 40 фоиз атрофида бўлади. Кор-

хонамиздаги биринчи буғ-газ қурилмасида у 57 фоизни ташкил этади, иккинчисида 61 фоизға тенг бўлиши кутилмоқда. Юртбошимиз олдимизға энергия ресурсларини

ган қурилмалардан унумли фойдаланиш, ўз навбатида, ҳар бир ходимдан юқори билим ва малака талаб қилади. Шу боис корхонада кадрлар масаласиға алоҳида

Янги лойиҳа ишға тушғач:
➔ корхонада йилға қўшимча равишда **3 миллиард 454 миллион киловатт-соат** электр энергияси ишлаб чиқарилади;
➔ тежамкорлиғи туфайли йилға ўртача **500 миллион кубометр** табиий газ иқтисод қилинади;
➔ қўшимча **112 та** иш ўрни яратилади.



тежаш вазифасини қўяркан, бу борада эътиборни узок истиқболға қаратиш, иссиқлик электр станцияларида амалға ошириладиган модернизациянинг кейинги босқичда техник ва маънан эскирган энергоқурилмаларни ихчам ҳамда тежамкор технологияларға асосланган буғ-газ қурилмалари-ға алмаштириш масаласиға алоҳида эътибор қаратиш лозимлиғиға урғу берган эди. Ўтган даврда шу асосида ишладик ва натижалар самараси кўзға яққол ташланди.

Янги технологияларға асослан-

ёндашилиб, қатор етакчи олий ўқув юрлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Юртбошимиз томонидан дастлабки буғ-газ қурилмасини ўрнатишда тўплаган тажрибамиз инобатға олиниб, корхонамиз неғизда энергетика тизимидаги бошқа станциялар учун мутахассис-ходимлар тайёрлаш бўйича ўқув маркази ташкил этиш вазифаси юклатилган эди, — дейди Қ. Ғаниев. — Шу асосда кенг қўлмали чора-тадбирлар амалға оширилиб, энг илғор ўқув-методик қўлланмалар ҳамда техноло-

гиялар билан таъминланган марказ фаолиятини йўлга қўйдик. У Япониянинг “JICA” халқаро ҳамкорлик агентлигининг бевосита техник ва молиявий кўмағида таш-

юксак ишончини тинимсиз изла-ниш ҳамда фидойилик билан оқлашға ҳаракат қиламиз.

Етук кадрларни тайёрлаш, ма-лака кўникмаларини ошириш мақсадида корхонанинг икки нафар ёш ходими Япониянинг “Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш” лойиҳаси доирасида кун-чиқар юрда ўз мутахассисликлари бўйича магистратурада таҳсилни давом эттираётгани ҳам эътиборға моликдир.

Мамлакатимиз инвестициявий жозибадорлиғи ортishi, иқтисодиётнинг реал секторида янги корхоналар, ҳудудларда нозънавий ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши электр энергиясига эҳтиёжни тобора оширмоқда. Хусусан, Навоий кон металлургия комбинати, “Қизилқумцемент” АЖ, “Навоийазот” АЖ каби саноат гигантлари тизимида фаолият бoshлаган ўнлаб ишлаб чиқариш қувватлари, янги фаолият бoshлаётган юзлаб бизнес субъектлари энергетикалар олдиға электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, бунинг учун эса буғ-газ қурилмасининг учинчи лойиҳасини амалға киритишни тақозо этмоқда. Сўз тармоқдаги камхарж технологиялар хусусида бораркан, ҳозирги пайтда юртимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 20 фоизи буғ-газ турбиналари орқали олинаётганилигини ҳам таъкидлаш лозим.

Темур ЭШБОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Мулоқот

Сурхондарёда давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида белгилаб берилган вазифаларни амалға ошириш, хусусан, Хотин-қизлар кўмитасининг жойлардаги бўлималари фаолиятини тизимли ташкил этиш мақсадида семинар-тренинглар ва учрашувлар ўтказилди.

Хотин-қизлар манфаати — давлатимиз ҳимоясида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирокида ташкил этилган тадбирларда вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, бошланғич ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, қайноналар ва фаол аёллар қатнашди.


Худди шундай семинар Термиз шаҳрида ҳам уюштирилди. Қайд этилгандек, мамлакатимизда илк марта Олий Мажлис Сенати-ға аёл киши раҳбар этиб сайлангани, Олий Мажлис Сенатида янги кўмита — Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича кўмита тузилаётгани ҳам хотин-қизларға кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси-дир.

Бироқ тан олиш керак, хотин-қизларға алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда жойларда бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини талаб даражасида деб бўлмайди. Аёллар фаоллигини ошириш, дунёқарашини юксалтиришда суствкашликларға йўл қўйилмоқда. Хотин-қизлар кўмитаси ҳудудий бўлимларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳам кўнгилдагидек эмас. Бошланғич ташкилотлар таркибидаги беш йўналиш бўйича жамоатчилик гуруҳи фаолиятида камчиликлар кўзға ташланмоқда. Жумладан, оилани мустаҳкамлаш, эрта турмушнинг олдини олиш ва ёшларни турмушға тайёрлаш ишлари қозғозбозлик ва расмиятчиликка асосланиб қолган. Тарғибот ишларида маҳалла ахли, айниқса, ёшларға мос, замонавий шакллардан унумли фойдаланилаётгани танқид қилинди.

Учрашувада хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини оширишға яқиндан кўмаклашаётган энг фаол моомлар меҳнати муносиб рағбатлантирилди. Шу куни тадбир иштирокчилари Музработ туманида бўлиб, Юртим жамоли маҳалласидаги аёллар реабилитация маркази, ат-Термизий маҳалласидаги “Халқ-обод текстиль” корхонаси, тумандаги поликлиниканинг “Аёллар маслаҳатхонаси”, “Қизлар саломатлиғи” маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

Бундан ташқари, Музработ тумани ҳокимлигида сайёр қабул ташкил этилди. Унда кўплаб хотин-қизларнинг муаммо ва тақлифлари тингланлиб, уларни биргаликда ҳал этиш йўллари изланди. Шунингдек, ечими вақт талаб қиладиган муурожаатлар учун аниқ муддат белгиланиб, ижроси қатъий назоратға олинди.

«Халқ сўзи».



— “Зомин” янгича ёндашув ва замон талабларига мос лойиҳа асосида барпо этилган болалар оромгоҳларидан биридир, — дейди Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Рустам Тўрсунмуродов. — Унда ўғил-қизларимизнинг марокли хордиқ олишлари учун барча шароит мавжуд, бу ерда Президентимизнинг беш муҳими ташаббуси ижроси доирасида болажонларнинг китобхонлик, спорт, санъат билан шуғулланишлари ва турли тўғрақларда иштирок этишлари эътиборга олинган.

Янги оромгоҳда ҳар саккиз нафар бола учун алоҳида ётоқ, ювиниш хоналари ҳозирланган, ҳар бир хонага телевизор ўрна- тилган ва уларда марказлашган бошқарув асосида болаларга мўлжалланган кўрсатувлар

намоиш этилади. Шунингдек, ўғил-қизлар оромгоҳ томонидан кийим-бош ва бошқа воситалар ҳамда турт маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Яна бир жиҳати, узунлиги 50 метрлик бассейнга уланган замонавий курилма сув ҳароратини доимо 26 даражада ушлаб туради.

“Гулистон” ва “Сирдарё” бо- лалар оромгоҳлари билан бир- га дам олиш мавсумида жами 2000 нафар ўқувчи хордиқ чиқариши кўзланган.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда жорий йилда ўқувчиларни кун- дузги оромгоҳларга қамраб олиш кўлами ҳам сезиларли да- ражада кенгайди, бундай мас- канлар 50 та умумтаълим мак- таби қошида ташкил қилинди. Уларда 12 минг 400 нафар бо- лани қабул қилиш имконияти яратилди.

Зомин бағридаги замонавий оромгоҳ келгусида йил давомида фаолият юритади

Президентимиз ташаббуси билан Зомин тоғлари бағрида жойлашган Қўриқ қишлоғида замонавий болалар оромгоҳи бунёд этилди. Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қарашли мазкур кўркем маскан мавсумда 800 нафар ўқувчини қабул қилади. Оромгоҳ маъмуриятдан маълум қилинишича, келгусида у йил давомида фаолият кўрсатади. Энди ўғил-қизлар бу ерга қишқи таътилда ҳам қилишлари мумкин.

Беш ташаббус — амалда

Оромгоҳ очик осмон остида — шаҳар атрофидаги ўрмон ичида барпо этилди. Ушбу мас- канда Президентимизнинг беш муҳим ташаббусига мос равиш- да беш “шаҳарча” бунёд этил- ди. Гуруҳлар навбат билан “шаҳарча”ларга ташриф буюра- дилар, зарур машғулотлар би- лан шуғулланишлар. Дам олиш мавсуми уч босқичда давом эти- ши мўлжалланган.

Ўзбекистон Касаба уюшма- лари Федерацияси бўлим мудир Шухрат Деҳқоновнинг айтишича, бундай масканлар қаторига шу йилнинг ўзида туртга болалар оромгоҳи қўши- лади. Булар “Зомин”, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани- даги “Анор”, Шаҳрисабздаги “Зиё чашмалари” оромгоҳлари-

дир. Мўйноқда ташкил эти- лаётган 400 ўринли дам олиш маскани эса узгача кўринишда бўлиши кутилмоқда. Ушбу маж- муани қуришда янгича лойиҳа ва замонавий материаллардан фойдаланилганди. Боғ ва гулзор- лар ташкил қилиниб, чўл ўрта- сидаги яшил мўъжиза — оазис яратилади. Ушбу болалар ором- гоҳи келгусида куриладиган шундай ишшоотлар учун наму- на бўлиб хизмат қилиши режа- лаштирилган. Яқин йиллар ичи- да мамлакатимизда халқро микёсга эга ўқувчилар дам олиш масканини ҳам барпо этиш мўлжалланаётир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Мухоммад КАРИМ
олган суратлар.



Жўрабек МУРОДОВ,
Тожикистон халқ артисти:

«Ўзбекистон турли халқлар санъати муштараклигига асос солмоқда»

У маҳалларда овоз кучайтиргичлар бўлмаса-да, ўзбек қишлоқларидаги тўй-томошаларга ташриф буюрган Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов сингари оташнафас ўзбек қўшиқчиларининг овозлари узоқ-узоқ- ларга таралиб, ўзига чорлаб турарди. Биз эшак миниб, от миниб улар қўшиқ айтаёт- ган давралар томон ошдик. Она киш- логимиздаги сойнинг икки томонида туриб қўшиқ қуйлаш қадимий анъанаси қалбимда санъатга ҳавас уйғотган бўлса, ўзбек қўшиқ- чилари таъсирида бу ҳавас менинг ҳақиқий санъаткорга айланишимга туртки берди, деб бемалол айта оламиз. Халима Носирова ва Саодат Қобулова қўшиқлари мени қанча- лик ром этган бўлса, Камолиддин Раҳимов, Фахриддин Умаровлар ҳам шунчалик мух- лислик қилдим. Ортиқ Отажонов, Отажон Худойшукуров, Шерали Жўраев билан дўстлашиб, ҳаммиса яқин алоқада бўлиб келдик.

Мен болаликдан Комилжон Отаниёзов- нинг қўшиқларини эшитиб, санъатга меҳр қўйдим, у кишига ҳавас қилиб тор чалиш- ни ўргандим. У киши билан кўришиш, суҳ- батлашиш, концертларда биргаликда иш- тирок этиш насиб қилганини фахр билан эслайман. Шавкат Мирзиёев Жаноби Олий- лари санъат ва адабиёт илосманди сифа- тида Ўзбекистонда маданий-маърифий жаҳонларда ҳам бекиёс ислохотларни амал- га оширмоқда. Мен бунга Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллиги нишонлиниши муносабати билан Ўзбекистонда бўлиб, қатор тадбирларда иштирок этганимда амин бўлдим.

Самарқандда сўнгги бор ўтказилган дунёга машҳур “Шарқ тароналари” нуфуз- ли анжуманига жаҳоннинг қўлаб машҳур санъаткорлари қатори лутфан тақлиф этил- ганимдан бошим осмонга етди. Ушбу ан- жуманда 58 та давлат вакиллари қатнашди. Бу ҳазил гап эмас. Мазкур санъатнинг халқлар ўртасида нечоғли юксак аҳамиятга эга экани исботидир.

Ўзбеғу тожик халқлари ҳақида сўз кетганда, беихтиёр ҳар икки тилда бирдек юксак камолот билан ижод қилган зуллисо- найн шoir Низоимиддин Алишер Навоийнинг “чашмони туркинау мижғони тожикона” — “кўзлари турконау киприклари тожикона” деган сатри ёдимга тушади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев- нинг минтақада жойлашган мамлакатлар би- лан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари бугун ўз мева- ларини бермоқда. Санъатнинг қудратли кучи- га Ўзбекистонда алоҳида эътибор бери- лаётгани, санъат соҳасида халқро анжу- манлар ўтказилиши таҳсинга лойиқ ташаб- буслардан ҳисобланади. Бунинг учун биз — Марказий Осиё минтақасида истикомат қилувчи барча халқлар Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларидан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Мен кўп раҳбарларни кўрганман, лекин халқга бунча яқин бўлиш, одамларнинг дилидагини билиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўзбекистонга ёғилаётган нур ва барака Тожикистон халқининг қалб чирогини ҳам нурафшон этаётганини фахр билан тилга оламиз.

Тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги ма- даний алоқалар 2017 йил май ойида Тожи- кистонда Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари, 2017 йил октябрь ойида Ўзбекис- тонда Тожикистон маданияти кунлари ўтқа- зилиши билан кенг миқёсда бошлаб берил- ди. Сурхон воҳасида бахшиларнинг гуду- рос садоларга йўғрилган овозлари ҳали дунё бўйлаб таралиб турган бир чоғда эса қадимий шаҳар Қўқонда халқ оғзаки ижоди- га бағишлаб ўтказилган халқро фестивал- да яна янги-янги истеъодлар жаҳонга та- нилди. Бундай мисоллар кўп. Қисқача айт- ганда, санъат халқ қалбига йўл топса, оқило- на олиб борилган сиёсат турли халқлар санъати муштараклигига асос солиши му- мкинлигини бугун Ўзбекистон дунёга исбот- ламоқда!

«Халқ сўзи».

«Обод марказ» дастури:

ОДАМЛАРГА БАХТ УЛАШГАН ЭЗГУЛИК

УНИНГ САМАРАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ХАМ БЎЙ КЎРСАТДИ.

Дастур ижроси доирасида барпо этилган тураржой бинолари аҳолининг уйга бўлган эҳтиёжини қондириш- да муҳим қадам бўлди. Йўлнинг икки тарафида қад- ростлаган 5 та уч қаватли бино 90 та оилани ўз бағри- га олди. Биринчи қаватидан савдо ва маиший хизмат

яшил хиёбон аждодларга эҳтиром ва ёшлар учун иб- рат маскани бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Бугун Тошбулоқ кўча- ларини айланиб, шаҳримиз- нинг янги ҳаёти бошланга- нига амин бўлдим, — дейди 95 ёшли Абдусалом ота Раҳмонов. — Бу ерда аҳоли муносиб турмуш кечириши

сиб этганидан бошимиз ос- монда.

— Кейинги бир йилда Тошбулоқ энига ҳам, бўйига ҳам ўсиб, умумий майдони 120 гектарга етди, — дейди туман қурилиш бўлими бош- лиги Улугбек Холматов. — Бу шаҳарчамизда бунёдкорлик ишлари бундан буён ҳам из- чил давом эттирилади, де- гандир. Дарҳақиқат, олдин- да 27 минг аҳоли яшаётган шаҳарнинг ичимлик суви таъминотини яхшилаш бора- сидаги ишларимизни ниҳоя- сига етказиш, қурилиши бошланган 189 та кўп қават- ли тураржойни битказиш, ки- чик саноат зонасида 28 на- фар тадбиркор томонидан барпо этилаётган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ишшоотларининг қурилишини тугаллаш сингари долзарб вазибалар турибди. Улар- нинг барчаси йил охирига қадар ижросини топади.

“Обод марказ” дастури доирасидаги бунёдкорлик ва ободонаштириш юмушлари вилоятнинг барча туман- ларида жадал давом этти- рилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳамдам МАМАДАЛИЕВ
олган суратлар.

Сўғурта бозоримиз талаб даражасидами?

Бу кўпми ёки кам?

Ўзбекистон аҳоли- си, кейинги пайт- ларда иқтисодиёт тармоқ- ларидаги жадал тараққиёт- ни, хизмат кўрсатиш соҳа- сидаги талаб ва эҳтиёжлар- ни инобатга оладиган бўлсак, олдинда қилинадиган ишлар талайгина экан- лиги аён бўлади. Шу маъ- нода, давлатимиз раҳбари- нинг “Соҳага назоратчи эмас, илғор ва замонавий стандартларни жорий эта- диган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, сўғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак”, дея таъ- кидлагани бежиз эмас.

Шундан ке- либ чиқиб, эн- диликда Мо- лия вазирлиги ҳузуридаги Сўғурта назо- рати давлат инспекцияси ўрнида Сўғур- та бозорини ривожланти- риш агентлиги ташкил этила- ди. Бундан ташқари, со- ҳани ўрта ва узоқ муддатли ривожланти- риш стратегияси ҳам иш- лаб чиқилди. Пироварди- да 2022 йилгача аҳоли жон бошига ўғри келадиган сўғурта мукофоти ҳажмини 3 баробар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси- ни эса 2 баробар ошириш имкони яратилди.

“Alskom” сўғурта компа- нияси акциядорлик жамия- тининг мамлакатимиз сўғур- та бозорига қириб келгани- га йилгирма уч йил бўлди. Бугунги кунда компаниямиз республикамиздаги етакчи сўғурта ташкилотлари ора- сида мустаҳкам ўрин эгал- лашга ҳаракат қилмоқда. Асосий мақсадимиз мамла- кат ҳудудида сўғурта мах- сулотлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, йирик сўғурта лойи- ҳаларида иштирок этиш, қайта сўғурталашни амалга ошириш, юридик ва жисмо- ний шахсларнинг сўғурта хизматларида бўлган эҳти- ёжларини қондириш, хўжа- лик юритувчи шахслар би- лан сўғурта соҳасида ҳам- корлик қилишдан иборат- дир.

Худудий тармоқларимиз вилоят марказларида жой- лашган 20 та филиал, ту- манлар ҳамда узоқ қишлоқ- лардаги 123 та бўлинма ва сўғурта марказларини ўз ичига олади. Компания то- монидан кўрсатилаётган хизматлар ишончлилиги “SAIPRO” рейтинг агентли- ги томонидан “uzA+ — жуда юқори молиявий ишончи- лик даражаси” ишончлилик рейтингини билан тасдиқлан- ган.

Устав фонди 15,1 милли- ард сўмни ташкил этувчи

компаниямиз ҳалол рақобат шароитида муносиб страте- гик шерик эканлигини амал- да намоён қилишга интила- ди. Бунинг учун ҳар бир ми- жоз эҳтиёжидан қелиб чиқ- қан ҳолда, алоҳида ёндашув асосида комплекс ва си- фатли хизмат кўрсатиш, им- кон қадар кўп миқозлар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган мақбул нарҳдаги, кенг турдаги сўғурта махсулотлари билан таъминлашга, оқилона сиёсат билан сўғурта опе- рацияларининг молиявий барқарорлиги ва ишончи- лигини юксалтиришга кат- та урғу берилляпти. Зеро, бугунги кенг кўламли икти-

Хозирги кунда республикамизда қарийб 30 та сўғурта компанияси фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан **1 триллион 635,2 миллиард сўмлик** сўғурта мукофотлари, **460,8 миллиард сўмлик** сўғурта тўловлари амалга оширилган. Бу кўпми ёки кам?

содий ислохотлар сўғурта компаниялари олдида ҳам янги талабларни қўймоқда. Шунинг ҳисобга олиб, жорий йилда компаниямиз тарки- бида Истикболли лойиҳалар ва ташқи алоқалар депар- таменти фаолиятини йўлга қўйди. Мазкур депар- тамент истикболли лойиҳа- ларни амалга ошириш, янги хизмат турларини тақдим этиш, ички ва халқро сўғурта бозорларига интегра- циалашувни кучайтириш, ўзаро манфаатли алоқалар- ни мустаҳкамлаш билан шу- гулланади.

Шу билан бирга, мамла- кат иқтисодиёти ҳамда халқимиз эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ҳаёт сўғурта- си соҳасида фаолият юри- тувчи “ALSKOM-VITA” МЧЖ сўғурта компаниясига асос солдиқ. У келгусида тиб- биёт сўғуртаси йўналиши- да ҳам кенг фаолият олиб боради.

Аҳоли учун хизматлар тури ва сифатини ошириш борасида ўртага ташла- наётган вазифалар, ярати- лаётган шарт-шароитлар фаолиятимизга пойдевор бўлаётгани аниқ. Лекин бу- гунги ҳолат иш кўлами ва сифатини янада кенгайти- ришни тақозо этмоқда. Зо- тан, қачонки, ўз хизматла- римиз билан миқозлар эътиборини қозонсаккина, кўзланган мақсадларга эри- шамиз.

Тоҳиржон ИМИНОВ,
«Alskom» сўғурта
компанияси
акциядорлик жамияти бош
директори,
иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУКУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 22 ИЮНДАН 28 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 20 майдаги 59-сон “Ўзбекистон Респу- бликаси бюджет ҳисобининг стандарти (9-сонли БҲС) “Номоддий активлар”ни тасдиқлаш тўғриси- да”ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3169. (2020 йил 1 январдан кучга қиради).

2. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳ- нат муносабатлари вазирининг 2019 йил 3 июн- даги 24-2019-Б-сон “Спирт ва ликёр-ароқ ишлаб чиқариш ҳодимлари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”- ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1755-3. (2019 йил 24 июндан кучга қирди).

3. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳ- нат муносабатлари вазирининг 2019 йил 3 июн- даги 25-2019-Б-сон “Вино ишлаб чиқариш ҳоди- млари учун меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўзгар- тиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1754-3. (2019 йил 24 июндан кучга қирди).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 72-сон “Ўзбекистон Рес- публикаси Давлат бюджетидан молиялаштирила- диган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, шта- лар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чорақилик ва йиллик ҳисобот шаклла- рини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқнинг 28-илова- сига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837-2. (2019 йил 24 июндан кучга қирди).

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 24 июндаги 269-мх-сон “Идоравий нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқа- риш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 783-1. (2019 йил 24 июндан кучга қирди).

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 24 июндаги 270-мх-сон “Идоравий нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқа- риш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1391-1. (2019 йил 24 июндан кучга қирди).

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 24 июндаги 271-мх-сон “Идоравий нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқа- риш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1389-1. (2019 йил 24 июндан кучга қирди).

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 24 июндаги 272-мх-сон “Идоравий нор- матив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқа- риш тўғрисида”ги буйруғи.

2019 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1450-1. (2019 йил 24 июндан кучга қирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Мар-

ЭЪЛОН

«Jizzax mulk markazi» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Жиззах вилояти бошқармасининг 2019 йил 15 июлдаги №13/711-19-сонли буюртма хатиға асосан, Жиззах шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 7-ўйда сақланаётган қўйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 25 941 ОАА. **Бошлангич баҳоси — 7 372 000 сўм.**
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 25 943 ОАА. **Бошлангич баҳоси — 7 372 000 сўм.**
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 25 946 ОАА. **Бошлангич баҳоси — 7 372 000 сўм.**
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 25 945 ОАА. **Бошлангич баҳоси — 5 815 000 сўм.**
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 25 942 ОАА. **Бошлангич баҳоси — 5 815 000 сўм.**
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 25 914 ОАА. **Бошлангич баҳоси — 6 281 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2019 йил 19 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Юқоридаги мулклар 2019 йил 19 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2019 йил 23 ва 30 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилиш савдо кунига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топишган шахсларга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди- сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқ- дордаги закалат пулини «Ипотека-банк» АТББ Жиззах вилояти филиалидаги 22626000304946058001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО: 00122, ИНН: 302149531.

Аукцион савдолари ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Ёзги форум мажмуаси. Тел.: 72-222-35-77.

Гувоҳнома: 4399.

Даъват

БИЗ БИРГАМИЗ,
БИЗ — ҲАММАМИЗ...

Олисларда қўнғирогин чалар карвон,
Юки оғир, йўли оғир, ларзон-ларзон,
Қақмоқларин қақиб ўтар қора осмон,
Қўкрагига муштарлар урар мардумайдон —
Эр йиғитлар,
Шер сингиллар, қилич-қалқон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Қоя чўқар, Алтомишнинг набрасидан,
Соғлар сакрар адирларнинг орасидан,
Қарға қўнмас Барчиларнинг тиззасига,
Ҳаёт суви мангу она кўзасида.
Эр йиғитлар,
Шер сингиллар шевасида:
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Кўйдиргани зулмат билан юрди қанча
Болта ўйнаб от устиде янчиб-янча,
Сув тубидан ўтлар чиқди кўк қошига.
Эр йиғитлар,
Шер сингиллар кўз-қошидан
Ўқлар сачрар, ёйлар сачрар ёв бошига.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Дунё ўқлар, кун мудрарди ҳисоб билмай,
Ўтди давру давронлари китоб билмай,
Хоразмда санок чертди аждодларим,
Рух ва қалба сабоқ берди устодларим.
Илми урфон
номи Турон,
Эр йиғитлар,
Шер сингиллар
Қазилар кон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Бизлар киммиз, туркийларнинг асладанмиз,
Соҳибқирон Амир Темур наслданмиз,
Қўбро ҳам биз, Баҳроуддин Нақибандмиз,
Марғиноний, қадим тарих — Самарқандмиз.
Гар Насасида нафас олаш эр йиғитлар,
Анджонда қашта тикса шер сингиллар,
Нафасидан ҳатто қишлар исиб кетар,
Қаштасига бутун олам сугиб кетар.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Юртнинг усти Устюртмиди, шамол — шоқол,
Ўв дедими, туз кўзгалар — бирварақай.
Нукус — қалғам, ҳам юракда тенгсиз лолам,
Эй, онажон Бердаққа айт,
Қалбидир най.
Эр йиғитлар, шер сингиллар,
Ашвор тинланг.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Ўзим шоҳид Мотуридийнинг хобгоҳида,
Мусичалар учиб келар тилловатга.
Бухорийнинг ҳар эрталаб даргоҳига
Қабутларлар бошин эзар ҳаловатдан.
Бу қай ошён,
Гўзал имон — паноҳида,
Эр йиғитлар, шер сингиллар —
Низоҳида —
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Азим Тошкент қад ростлади паҳлавондай,
Тоғу тахтим кўз-кўз қилиб бу жаҳонга,
Тугромизни тумор айлаб эшик очди,
Ер юзига буюкликдан сўзлар сочди,
Подшо шахрим,
Гард юқмасин жамолингга,
Эр йиғитлар,
Шер сингиллар саф тортишар,
Озодликнинг майдонида
Аҳд айлашар.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Олтин водий ҳалқасида уч гавхарим,
Сирдарёда сир бермаган моҳнайкарим,
Бахмалини тўшаб қўйган Жиззахни кўр,
Қақликлардан Замин ҳақда қўшиқлар сўр,
Эр йиғитлар,
Шер сингиллар,
Бўлинлар жўр:
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Дуру маржон, боғу бўстон, Ўзбекистон,
Кўзим нури мусаффо тонг, Ўзбекистон,
Сажда этдим дуо сўраб, бобо юртим,
Ҳар лаҳзада ризо сўраб, бобо юртим,
Эр йиғитлар, шер сингиллар,
Қўл кўтарди,
Она, инон,
Ота, инон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан...

Абдували ҚУТБИДДИН.



Инвестициявий лойиҳалар муваффақиятини таъминловчи омиллар жуда кўп. Шулардан энг зарури — бизнес учун қулай муҳит! Айни сабабдан, давлатимиз раҳбари томонидан ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар сафини кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар билан тўлдириш чоралари қўрилмоқда.

Мазкур жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида, мамлакатимиз молия муассасалари ҳам фаол иштирок этапти. Жумладан, "Туронбанк" акциядорлик тижорат банкининг ҳам иктисодиёт тармоқлари ҳамда кичик бизнес вакилларига ажратаётган кредит маблағлари аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган билан эътиборга молик, десак, айни ҳақиқат.

Эзгу йўналишларга —
йирик сармоя

"Туронбанк" АТБнинг хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига назар ташласак, хусусан, ўтган йили Президентимизнинг 2018 йил 20 июндаги "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 25 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари жалб этилгани сўзимиз тасдиғидир. Ҳозиргача ушбу маблағлардан 21 млн. АҚШ доллари, яъни 84 фоизи ўзлаштирилди. Натижада бир қатор бизнес-режалар муваффақиятли рўёбга чиқарилди. Шулардан бири Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида фаолият олиб бораётган "Адишбобо" фермер хўжалигига тегишлидир. Мазкур хўжалик замонавий технологиялар асосида 9 гектар ер майдонида иссиқхона ташкил этишни мақсад қилган эди. Аҳолини арзон нархларда сархил неъматлар билан таъминлашга қаратилган лойиҳа 2,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳисобидан молиялаштирилди.

"Sag agro Yakkabog'" масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси ҳам мазкур йўналишда. Кичик бизнес субъекти Қашқадарь вилоятининг Яккабoғ туманида интенсив усулда ёнғоқзорлар барпо этмоқчи эди. Бу лойиҳанинг ҳар томонлама истиқболли эканлиги ҳисобга олиниб, МЧЖ 2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит билан таъминланди. Натижада корхона томонидан маҳаллий аҳоли вакиллари учун 135 та янги иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борабарада, уни қайта ишлаш масаласи ҳам эътиборда. Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "East-West Surxon" қўша корхонаси айни шу мақсадда ташкил этилди. Мазкур янги саноат субъектига мева-сабзавотни замонавий услубда қайта ишлашга мўлжалланган ускуналарни сотиб олиш учун 2 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди ва экспорт йўлга қўйилди.

Бизнесга барака
кирса...

Халқимиз орасида "Парранда — етти хазинанинг бири, чорва — хонадон баракаси", деган нақллар бор. Бу гаплар қанчалик ҳақиқатга тўғри келишини ушбу тармоқда бизнес фаолиятини йўлга қўйганлар



Ташаббус

Бойсунда замонавий
туризм маркази
бунёд қилинади

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида Туркиянинг "Idealist" шаҳарсозлик, меъморчилик ва муҳандислик компанияси томонидан замонавий сайёҳлик маркази барпо этилади. Лойиҳага кўра, Бойсун туманининг Омонхона қишлоғидан Зовбоши тоғли ҳудудигача бўлган манзилда аъёнавий қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи маданий, тиббий ва табиат туризми марказлари яратилади.

Хусусан, маданий туризм марказида йирик маданият маскани, амалий санъат ҳамда ҳунарамандчилик устаноналари, ўтовлар мажмуаси, ойнаванд айвонлар, автопарк, паркоҳ ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари қад ростласа, табиат туризми марказида меҳмонхона, савдо шохобчалари, тиббий муассаса, вилла ҳамда эко-боғлар жойлаштирилади. Тиббий туризм марказида

тоғ-дор йўли бекати, маҳсул майдонлар, масжид ва меҳмонхоналар қурилиши кўзда тутилган.

Ҳар учала туризм маркази тоғ-дор йўли орқали ўзаро боғланиб, эркин тоғ веломаршрутлари ҳам ташкил этилади.

Лойиҳа 20 йил давомида, 4 босқичда амалга оширилиши белгиланган.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқаро кредит линиялари

истиқболли лойиҳалар рўёбига йўналтирилмоқда

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 16 октябрда имзоланган "Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш" лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда ана шу жиҳатлар тўлиқ ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 40 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари жалб этилиб, шу кунгача 23,2 млн. долларлик қисми ўзлаштирилгани қувонарлидир.

Чунончи, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги "BEST VEG" масъулияти чекланган жамияти ана шундай кўмакка муҳтож эди. Негаки, корхона иш-

порт ҳамда махсус техника воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун 17,2 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиб, аниқ мақсадлар учун ажратилди.

Энергия таъминоти
яхшиланади

Бинобарин, Хитой Экспорт-импорт банкининг 58,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини жалб қилиш юзасидан келишув имзоланган ва амалий ишларга киришилган. Ушбу сармоялар Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги "2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори ижросига йўналтирилмоқда. Пировардида ўтган йили "Ўзбекгидроэнерго" АЖ таркибидеги ГЭСларни модернизация қилиш, шунингдек, янги кичик ГЭСлар қуриш лойиҳалари молиялаштирилди. Қолаверса, мазкур банк билан имзоланган келишувга биноан, қўшимча 85,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит жалб қилиниши ҳисобига республикамиздаги мавжуд 4 та ГЭСни модернизация қилиш ва 5 та кичик ГЭС қуришни молиялаштириш ишлари бошлаб юборилган. 2019 йилда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ таркибидеги ГЭСларни модернизация қилиш, янги кичик ГЭСларни қуриш учун Хитойнинг Экспорт-импорт банкидан 40,7 млн. АҚШ доллари ва 24,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш юзасидан музокаралар олиб боришмоқда.

Музокаралар давом
этмоқда

Эришилган натижалар билан бирга, истиқболдаги режалар ҳам катта. Жумладан, келгусида Осиё тараққиёт банки кредит линиясидан 40 млн. АҚШ доллари, Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси кредит линиясидан 10 млн. АҚШ доллари, Халқаро ислом савдо-молиялаштириш корпорацияси кредит линиясидан 6 млн. АҚШ доллари, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги кредит линиясидан 50 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкидан 40 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилиниши кутилмоқда. Германиянинг "АКА Банк"дан эса 12 млн. евро кредит линия маблағлари жалб қилиниши режалаштирилган. Шунингдек, "Туронбанк" АТБ ва Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ўртасида 5 млн. АҚШ доллари миқдорида келишув имзоланиши арафасида турибди.

Албатта, ушбу хорижий кредит линиялари ҳисобидан жалб этилган маблағлар иқтисодиётимизнинг турли жаҳдаларига йўналтирилиб, бозорларимиз тўқинлиги, аҳоли бандлиги ва нарх-наво барқарорлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари
Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)
Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.
Техник хизматлар курсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй.
(Мўлжал: «Турон» автосалони).

Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 457 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқловлар 71-232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.

Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6